



Талас дарёси ёнидаги жанг (хитой. 唐突戰; араб. غزوة طلاس; Атлах жангги) - 751 йили Тароз шаҳри яқинида, Талас дарёси ёнида жойлашган Атлах каласи олдида Аббосийлар ва Тюрғеш хакконлиги бир тарафдан, иккинчи тарафдан эса Хитойнинг Тан империясининг кўшинлари ўртасида бўлиб ўткан йирик жанг. Ўшанда Хитой Ўрта Осиёни босиб олишга ҳаракат қилаётган эди. 751 йилга келиб, араблар Эрон, Ироқ ва Шом ҳамда Турк хакконлигининг ғарбий ҳудудларини фатҳ қилгандилар. Араблар келиши билан минтақада Ислом таркала бошлади.

749 йили хитойлик саркарда Гао Сянчжи Тошкентни босиб олади, ҳокимини қатл қилади. Унинг ўғли Аббосийлар халифасининг ноибни Абу Муслимга шикоят қилиб, Тароздаги араб аскарларини ҳимоя қилиш учун ёрдам сўраб боради. Абу Муслим хитойликларга қарши Зиёд ибн Солиҳ бошчилигида яманлик отлик кўшин юборади. Бу кўшинга маҳаллий туркий қабилалар қилиб қўшилади.

Жанг бўлиш вақтига кели ҳар икки тарафдан 100 мингга яқин аскар йигилади. Жанг беш кун давом этган. Бешинчи кун хитойликлар орқасидан қарлуклар зарба беради. Жанг қизиқ турганида қарлуклар тюрғеш ва бошқа туркий қабилалар билан ўртасидаги ихтилофларни унутиб, хитойликларга туркийлар билан бирга қарши чиқиши диққатга сазовордир. Қарлукларнинг қутилмаган зарбаларидан сўнг Хитой кўшинларининг сафи бузилади ва улар қочишни бошлайди. Саркарда Гао Сянчжи ҳам саросимада қочаётган аскарлари орасидан зўрга қочиқ қолади.

Жанг хитойликларнинг Тан империясининг ғарбга қараб юришини тўхтатади. Шунинг билан бир қаторда хитойликлар ҳам арабларнинг шарққа қараб юришини секинлаштириб қўйади. Бир икки йилдан сўнг Ан Лушан исёни туфайли Хитойнинг Хан сулоласи инқирозга юз тутди, сўнг улар шарқдаги ўзининг аскарларини қайтариб оладилар.

Жанг тафсилотлари баён қилинган манбалар жуда оз, ҳар икки тараф бу жангда ўзлари галаб қилгани ҳақида ёзади. Тарихчилар эса, бу тарихий воқеа аҳамияти ҳақида қўп баҳс қилганлар. Бартольд ва бошқа совет тарихчилари бу жангнинг тарих учун аҳамияти жуда катта, Талас жангги тамаддунлар ўртасидаги тўқнашув бўлгани ҳақида

айтганлар. Хитойлик ва баъзи Гарб тарихчилар эса, бу жанг ахамиятини пасайтириб, бу жанг чегара олдидаги оддий жанглардан бири дея бахо берадилар.

Бирок, мусулмон тарихчилари бу жангда мусулмонлар зафар козонгани хакида айтиб ўтганлар.

Ибн Асир ўзининг «Китаб ал-камил фит-тарих» китобидан: "751 йилда Фаргона ихшиди (хукмдори) ва Шош подшохи бир-бирлари билан ёвлашиб қолишди. Ихшид Чин подшохидан ёрдам сўради, у юз минглик қўшинни унга қўмакка юборди. Қўшин аввал Шошни ўраб олиб, кейин батамом эгаллади. Шош подшохи Чин хукмдорига таслим бўлди, Чин подшохи унга ва яқинларига ҳеч қандай тазйик қилмади. Бу воқеа хақидаги хабар аббосий хукмдор Абу Муслимга етиб борди ва Зиёд ибн Солихни уларга қарши урушишга жўнатди. Икки тараф қўшинлари Тароз дарёси соҳилларида тўқнашишди ва мусулмонлар уларни енгиб, эллик минг жангчини ўлдиришди ва йигирма мингини асир олишди, қолганлари Чинга қараб қочди. Бу жанг хижрий бир юз ўттиз учинчи йилнинг зулҳижжа ойида (751 йил июни) бўлган".

Жанг натижасидан қелиб чиққан ҳолат қуйидагилардан иборат:

Арабларнинг шарққа қараб юриши тўхтади.

Туркий халқлар орасида Ислом тарқала бошланди.

Қарлуклар мустақил давлат туздилар.

Хитойлик асирлар орқали қогоз ишлаб чиқариш технологиялари мусулмонларга ўтди.

Шарқий Туркистонда уйғурлар ўз давлатчилигини тикладилар.

Тан империяси таназулга юз тутди ва Хитойнинг Гарб ҳудудларини босиб олишга бўлган ҳаракатлари 1000 йилга тўхтади.

Марказий Осиё Ислом маданиятининг марказларининг бирига айланди.

Абу Муслим